

ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
НОМЕР-1**

**ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ
1-СОН**

**PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES
SCIENTIFIC-PRACTICAL JOURNAL
VOLUME-1**



ТОШКЕНТ - 2023

Бош муҳаррир:

Нишонова З. – психология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Насиров К. – педагогика фанлари номзоди, доцент

Таҳририят аъзолари:

Абдужаббарова М. – педагогика фанлари номзоди, доцент
Абдурахимов Қ. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Акмалов А. – педагогика фанлари номзоди, доценти
Акрамова Ш. – педагогика фанлари доктори, профессор
Алиев М. – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
Джураев Д. – педагогика фанлари доктори
Душанов Р. – психология фанлари номзоди, доценти
Негматовна Г. – педагогика фанлари номзоди, доцент
Разакова Р. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тожибоева Г. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тожибоева Г. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тўйчиева С. – психология фанлари номзоди, доцент

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054834-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.



ГАФУРОВ Фарход Рашидович

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси

Божхона институти катта ўқитувчиси

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КАСБ
ТАДБИРКОРЛИГИНИ ЎРГАТИШ КАФЕДРАСИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШНИНГ АМАЛИЙ ЗАРУРИЯТИ**

Иқтибос келтириш учун (for citation, для цитирования): ГАФУРОВ Ф.Р.

Олий таълим муассасаларида касб тадбиркорлигини ўргатиш кафедрасини ташкил этишнинг амалий зарурияти // Педагогик ва психологик тадқиқотлар. № 1 (2023) Б. 29-35.

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.7561999>

АННОТАЦИЯ

Мазкур илмий мақолада бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида касб тадбиркорлигини ўргатиш кафедрасини ташкил этиш гоёси илгари сурилган. Шунингдек, олий таълим тизимидаги муаммолар ва уларнинг ҳал этиш чораларига оид таклифлар баён этилган.

Калит сўзлар: олий таълим муассасаси, касб тадбиркорлигини ўргатиш кафедраси, абитуриент, талаба, тадбиркорлик, тадбиркор, ўқув дастурлари.

ГАФУРОВ Фарход Рашидович

Старший преподаватель Таможенного института

ГТК Республики Узбекистан

**ПРАКТИЧЕСКАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ СОЗДАНИЯ
КАФЕДРЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ**

АННОТАЦИЯ

В данной научной статье сегодня выдвинута идея создания кафедры обучения профессионального предпринимательства в высших учебных заведениях Республики Узбекистан. Также описаны предложения относительно проблем в системе высшего образования и пути их решения.

Ключевые слова: высшее учебное заведение, кафедра профессионального обучения предпринимательства, абитуриент, студент, предпринимательство, предприниматель, образовательные программы.

GAFUROV Farkhod Rashidovich
Senior teacher of the Customs Institute
State Customs Committee of the Republic of Uzbekistan

THE PRACTICAL NEED FOR THE CREATION OF A DEPARTMENT OF VOCATIONAL EDUCATION IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

ANNOTATION

In this scientific article, the idea of creating a department for training professional entrepreneurship in higher educational institutions of the Republic of Uzbekistan has been put forward today. It also describes proposals regarding problems in the higher education system and ways to solve them.

Key words: higher educational institution, department of vocational training of entrepreneurship, applicant, student, entrepreneurship, entrepreneur, educational programs.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш борасида бир қатор ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, бу борада шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан қабул қилинган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида **46-мақсад сифатида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш белгиланган.**

Унда кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида қабул параметрларини 2022 йилда ошириш, 2022 йилда ёшларни олий таълим билан қамров даражасини 38 фоизга етказиш, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини олий таълим муассасалари томонидан мустақил белгилаш тартибини жорий этиш, 2026 йилда қабул кўрсаткичини камида 250 мингга етказиш, давлат олий таълим муассасаларига академик ва молиявий мустақиллик бериш, шу жумладан улар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимлар сони, тўлов-контракт миқдори ва таълим шаклини мустақил белгилаш амалиётини йўлга қўйиш ҳамда давлат олий таълим муассасаларининг тегишли ҳуқуқ ва ваколатларини аниқ белгилаш каби устувор вазифалар қайд этилган бўлиб, мазкур вазифалар ижроси босқичма-босқич бажариб келинмоқда.

Бундан ташқари, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида **47-мақсад сифатида 2026 йилга қадар 10 та салоҳиятли олий таълим муассасасини QS ва THE халқаро рейтингларига киришга мақсадли тайёрлаш, 48-мақсад этиб эса қарийб 100 минг ўринли талабалар турар жойларини барпо этиш, 49-мақсад сифатида эса 2026 йилгача нодавлат олий таълим ташкилотлари сонини камида 50 тага етказиш белгилаб олинган ва ҳозирда ушбу мақсадларга босқичма-босқич эришиш чоралари кўрилмоқда.**

Шунингдек, 2022 йил 20 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилинган мурожаатномада 2023 йилни “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном берилганлиги, олий таълим тизимини такомиллаштириш йўлидаги ислохотларнинг давоми десак муболаға бўлмайди [1, Б.4].

Аммо амалга оширилаётган ислохотларга қарамай, мавжуд маълумотлар таҳлили бугунги кунда олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори талабларига мос равишда кадрларни тайёрлаб чиқариш қониқарсиз аҳволда эканлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, 2021 йил 16 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида олий таълим муассасаларида яратилаётган қулай шарт-шароитларга қарамай, сифат борасида ўзгаришлар ҳали сезилмаётгани, таълим сифатини яхшилаш, ўқув ишларини бозор эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этиш масаласи ректорларнинг эътиборидан четда қолиб кетаётганлиги маълум қилинган [2, Б.1].

Шунингдек, бугунги кундаги 815 та йўналишнинг 55 фоизи меҳнат бозори талабларига жавоб бермаслиги, олий таълим муассасалари 2 мингга яқин фанлар бўйича дарсликлар билан таъминланмаганлиги, ўқув дастурлари бундан 40 йил олдинги фан ва йўналишлар асосида тузилганлиги, бундан ташқари, тизимда коррупция ҳолатлари жуда кўплиги, ўтказилган сўровларда аҳолининг 65 фоизи олий таълимдаги ислохотлар натижаси сезилмаётганини маълум қилганлиги мисол тариқасида кўрсатиб ўтилган [3, Б.1].

Шу билан бирга, олий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан соҳадаги 4 та устувор вазифа кўрсатиб ўтилган:

Биринчиси – олий таълим муассасалари бошқарув кенгашларининг ролини ошириш ва кафедралар ваколатларини кенгайтириш;

Иккинчиси – ўқув жараёнини бозор талабларига мослаштириб, ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаш ва талабанинг ўз устида ишлаши учун муҳит яратиш;

Учинчиси – олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш;

Тўртинчиси – профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қоғозбозликни камайтириш, соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш [4, Б.1].

Шунингдек, 2022 йил 20 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилинган мурожаатномада давлат хизматчилари сони босқичма-босқич 30-35 фоизга қисқартирилишини маълум қилинди. Бу эса, ўз навбатида, олий таълим муассасаларининг давлат секторига кадрлар етказиб бериш вазифаларини хусусий секторга кадрлар етказиб беришни йўлга қўйиш вазифаси билан алмаштиришни тақозо этади.

Бу борада шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда жаҳонда олиб борилаётган илмий-тадқиқотларда ҳам асосий эътибор, давлат ташкилотларида давлат хизматчилари сонини қисқариш шароитида олий таълим муассасалари битирувчиларини хусусий секторда иш билан бандлигини таъминлаш бўйича олий таълим муассасаларининг вазифа ва функцияларини хусусий сектордаги меҳнат бозори талабларига мослаштиришга қаратилмоқда.

Жумладан, россиялик олимлар Л.В. Капустина ва Е.В. Поповалар ўз тадқиқотларида 2013 йилда Россия олий таълим муассасалари битирувчилари давлат секторида иш топа олмаётганлигини ва хусусий секторда ҳам ўзини иш билан таъминлай олмаётганлигини маълум қилиб, бунга сабаб эса олий таълим муассасалари ўқув дастурлари ва функциялари хусусий сектордаги меҳнат бозори талабига мослаштирилмаганлигини таъкидлаб ўтишган. Мазкур муаммонинг ечими сифатида олий таълим муассасаларининг таркибий тузилмалари функциялари ва ўқув дастурларини хусусий сектордаги меҳнат бозори талабларига мослаш ва доимий равишда такомиллаштириб боришни таклиф сифатида кўрсатиб ўтишган [5, Б.1.6].

Худди шунингдек, қозоғистонлик олим М.К. Шнарбекова 2021 йилда Қозоғистон Республикаси олий таълим муассасалари ва хусусий меҳнат бозорида ижтимоий тенгсизлик масалаларини ўрганиб ўз тадқиқотларида иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида олий маълумотга эга бўлган ишсиз битирувчилар кўпайиб бораётганлигини, бунинг сабаби сифатида олий таълим муассасаларининг функциялари ва вазифалари хусусий сектордаги меҳнат бозори талабларига жавоб бермаслигини таъкидлаб ўтган [6, Б.2.14].

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтганда, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасаларида ўқув жараёнларини бозор талабларига мослаштириб, ишлаб чиқариш ва хусусий сектор билан узвийлигини таъминлаш устувор аҳамият касб этмоқда.

Мазкур йўналишда шуни айтиш жоизки, олий таълим муассасаларида давлат секторига кадрлар етказиб беришга йўналтирилган кафедраларни қисқартириш ҳисобидан, хусусий секторга кадрлар етказиб бериш функциясини бажарадиган **Касб тадбиркорлигини ўргатиш кафедрасини** ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган Касб тадбиркорлигини ўргатиш кафедрасининг амалий зарурати ва унинг асосий вазифалари борасида қуйидаги фикрларни айтиб ўтиш жоиздир. Мазкур кафедра **қуйидаги 3 та функцияни (вазифани) бажаришини** белгилаб қўйиш:

1. Тадқиқот функцияси. Касб тадбиркорлигини ўргатиш кафедраси давлат ва нодавлат (хусусий) сектордаги меҳнат бозорини ўрганиб боради ҳамда янги пайдо бўлган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларни аниқлаб, талабаларга уларнинг фаолиятига оид билим, малака ва кўникма беришга оид ўқув мавзуларини олий таълим муассасалари ўқув жараёнларига киритиб боради.

Мисол тариқасида айтганда, олдин Ўзбекистон Республикасида пулли тиббиёт хизматларини кўрсатувчи хусусий тиббиёт муассасалари мавжуд эмас эди. Аммо бугунги кунда бундай тиббиёт муассасалари кенг тарқалиб бормоқда. Лекин Тошкент давлат тиббиёт институтида бўлажак шифокорларни тайёрлаш бўйича ўқув жараёнларида айнан хусусий тиббиёт муассасаларини ташкил этиш тартиблари, бизнес режа тузиш тартиблари, тиббий йўналишда тадбиркорликни йўлга қўйиш учун дастлабки пул маблағини (капитал) топиш усуллари, хусусий тиббиёт муассасасининг иш фаолиятини бошқариш, бухгалтерлик ҳисобини олиб бориш, солиқлардан берилган имтиёзлар ҳақида билим, малака ва кўникмалар ўргатилмайди.

Касб тадбиркорлигини ўргатиш кафедрасининг вазифаси айнан шундай янги пайдо бўлган ва кенг тарқалиб бораётган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари фаолиятини мунтазам кузатиб бориб, Тошкент давлат тиббиёт институтида ўқув жараёнларига киритади. Худди шу каби тизим касб-ҳунар коллежларида ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунда Касб тадбиркорлигини ўргатиш бўлими (гуруҳи) номи билан тадқиқот функциясини бажарувчи тизимни йўлга қўйиш мумкин.

2. Ўқув жараёнини ташкил этиш функцияси. Касб тадбиркорлигини ўргатиш кафедраси олий таълим муассасалари фаолияти йўналтирилган соҳаларда (масалан, педагогика, тиббиёт, ахборот-технологиялари соҳалари кабиларда) талабаларни айнан ўзлари битираётган соҳада тадбиркорликни ташкил этиш тартибларини ўргатиб боради.

Масалан, айтайлик, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети педагог мутахассисларни тайёрлаб чиқаради. Бунда Касб тадбиркорлигини ўргатиш кафедраси айнан педагогика соҳада тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш тартибларини ўргатиб боради, яъни педагогик фаолият билан боғлиқ бизнес режа тузиш, хусусий таълим муассасани ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, хусусий таълим муассасани бошқариш, бухгалтерлик ҳисобини олиб бориш, хусусий педагогик фаолият учун солиқ тўловлари ва улардан берилган имтиёзлар кабиларни талабаларга ўргатиб боради.

Ёки, Божхона институти мисолида айтадиган бўлсак, бугунги кунда Божхона институти божхона иши ва божхона ҳуқуқи йўналиши бўйича мутахассисларни тайёрлайди. Аммо хусусий секторда божхона фаолияти билан боғлиқ брокерлик фирмалари, декларантлик фаолияти ва халқаро ташувчилик фаолияти соҳалари мавжуд бўлиб, Божхона институтида бўлажак битирувчиларга ушбу соҳаларда тадбиркорликни йўлга қўйиш бўйича билимлар ўргатилмайди. Агар Божхона институтида Касб тадбиркорлигини ўргатиш кафедраси ташкил этиладиган бўлса, мазкур кафедра хусусий секторда божхона соҳаси билан боғлиқ бизнес режа тузиш, хусусий брокерлик фирмаларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, хусусий брокерлик фирмасини бошқариш, бухгалтерлик ҳисобини олиб бориш, хусусий брокерлик фаолияти учун солиқ тўловлари ва улардан берилган имтиёзлар ва бошқаларни талабаларга ўргатиб боради.

3. Амалий тажрибани шакллантириш функцияси. Касб тадбиркорлигини ўргатиш кафедраси ўқув жараёнларига олий таълим муассасалари фаолият йўналиши бўйича хусусий секторда мавжуд бўлган пулли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари амалиётчи мутахассисларини ўқув жараёнларига жалб қилади. Шунингдек, талабаларни хусусий секторда мавжуд бўлган пулли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида амалиёт ўташини таъминлайди.

Шунингдек, олий таълим муассасалари битирувчиларига таълим муассасасининг йўналишидан келиб чиқиб, “Тадбиркор-ўқитувчи”, “Тадбиркор-шифокор”, “Тадбиркор-дастурчи”, “Тадбиркор-тилшунос”, “Тадбиркор-хайдовчи” каби номлар билан мутахассислик сертификатини беради.

Келгусида олий таълим муассасаларида Касб тадбиркорлигини ўргатиш кафедрасини ташкил этиш қўйидаги натижаларни беради:

1. Олий таълим муассасалари битирувчилари ўзларини мустақил равишда бандлигини таъминлайди.

Масалан, Муҳаммад ал-Хоразимий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетини 400 нафар талаба битирди дейлик. Шундан 250 нафар талабалар давлат секториди давлат ташкилотларида вакант лавозимларга ишга қабул қилиниб, иш билан бандлиги таъминланди. Қолган 150 нафари Касб тадбиркорлигини ўргатиш кафедраси берган билим, малака ва кўникмаларга таяниб, мутахассислик бўйича тадбиркор сифатида олган сертификатига асосан, хусусий секторда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни йўлга қўйиш имкониятига эга бўлади ва мустақил равишда ўзини иш билан таъмилайди.

2. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлар улуши кўпаяди, аҳолининг иқтисодий фаровонлиги ва молиявий саводхонлиги яхшиланиб боради. Чунки олий таълим муассасалари битирувчиларининг маълум қисми ўз мутахассислик соҳаси бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллана бошлайди.

3. Олий таълим муассасаларига бўлган талаб ошади. Чунки, Касб тадбиркорлигини ўргатиш кафедрасини ташкил этилиши олий таълим муассасасида абитуриентлар учун таълим сифатини ва аҳамиятини оширади. Яъни таълимнинг инсон шахсий манфаати учун фойдалилиги ошади. Сабаби бугунги кунда ҳар бир талаба бўлмоқчи бўлган абитуриентлар олий таълим муассасаларига ўқишга киришдан олдин, ўзи ўқишга кирмоқчи бўлган олий таълим муассасасини битирган тақдирда, келажакда иш билан таъминланиш аҳволи, иш топишнинг осон имкониятлари мавжудлиги ёки йўқлиги, қандай ташкилотларда ишлаши, нима иш билан шуғулланиши ва қанча ойлик маош олиши ҳақида ўйлаб кўриб, олий таълим муассасасини битирган тақдирда, фаравон ҳаёт шароитларига эга бўлишга ишонч ҳосил қилгандан сўнг, ўқишга киришга қарор қилади. Шу боис, барча олий таълим муассасаларида Касб тадбиркорлигини ўргатиш кафедрасининг фаолиятини йўлга қўйилиши ва унинг олий таълим муассасалари битирувчилари учун катта шахсий фойдали аҳамиятга эга эканлигини кенг халқ оммасига тушунтирилиши ўқишга кирмоқчи бўлган

абитуриентларда олий таълим муассасасиларига нисбатан ишончни ортишига, яъни келажакда давлат секторидан иш топа олмаган тақдирда, нодавлат секторда иш билан таъминланишига бўлган кафолатни олдиндан кўришга имконият яратади.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим муассасалари тузилмасида Касб тадбиркорлигини ўргатиш кафедрасининг ташкил этилиши – бу янги олий таълим тизими ҳисобланади. Шунингдек, ҳозирги кундаги олий таълим тизимини янада такомиллаштиришга ва аҳоли учун фойдалилигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.М.Мирзиёев. “Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома”. 20.12.2022 й. (<https://www.xabar.uz>).
2. <https://president.uz/uz/lists/view/4424>. Халқаро Интернет сайти маълумотлари.
3. <https://kun.uz/ru/news/list?f=tag&name=видеоселектор>. Халқаро Интернет сайти маълумотлари.
4. <https://yuz.uz>. Халқаро Интернет сайти маълумотлари.
5. Л.В.Капустина ва Е.В.Попова. “Высшее образование и рынок труда: необходимость перемен”. Научная статья. г. Самара. 2013 г.
6. М.К.Шнарбеков. “Роль высшего образования в воспроизводстве социального неравенства на рынке труда Казахстана”. Научная статья. г. Алматы. 2021 г.